83.3Уз
К-20

Қишлоқ

Адабий-танқидий йиллик тўплам

CamScanner

УМРЗОҚ ЎЛЖАБОЕВ

ҲАЁТИЙЛИК—БОШ МЕЗОН

Машҳур, тажрибали ҳикоянависларимиз кейинги вақтларда негадир ҳозиржавоб кичик эпик жанрдан тобора узоқлашиб бораётганини кузатиш мумкин. Бундай узоқлашиш, ҳатто адабиётга 70-йилларнинг охирларида кириб келган, мукаммал ҳикоялари билан китобхонлар эътиборини қозонган бир гуруҳ истеъдодли ёзувчиларимиз ижодида ҳам сезилади. Албатта, ушбу ҳолат бир вақтлар Абдулла Қодирийдек ёзувчимиз асос солган, Абдулла Қаҳҳордек санъаткоримиз жаҳон адабиёти талаблари чўққисига олиб чиққан адабий жанрнинг тақдирига нисбатан ташвиш туғдирмаслиги мумкин эмас. Айни чоқда ана шу ҳавотир туйғусининг ёнида таскин берадиган, бу соҳанинг келажаги янада яхши бўлишига ишонч уйғотадиган туйғу ҳам туради. Бу—сўзлардаги турли товланишларни чуқур ҳис қиладиган, ёзиш техникасини, тасвир маданиятини пухта эгаллаган бир гуруҳ истеъдодли ёшларнинг ҳам ўзимиздаги, ҳам ташқаридаги энг яхши анъаналарни ўзлаштирган ҳолда ҳикоячилик соҳасида иштиёқ билан ижод қилаётганидир.

Ҳозирги ҳикояларнинг кўпчилиги турли йўналишдаги энг долзарб муаммоларга акс садо сифатида яратилганлиги билан ажралиб туради. Маълумки, сўнгги пайтларда одамларнинг тушунчалари, қарашларида катта ўзгаришлар, бурилишлар рўй берди. Турмушимизнинг кўп жабҳаларида мавжуд бўлган иллатларга қарши кескин кураш эълон қилинди. Ҳаётда, одамлар психологиясида бундай янгиланиш, сифат ўзгаришлари рўй бераётган жараёнда адабиётнинг, сўз усталарининг зиммасидаги масъулият беқиёс ошиб кетади. Шу маънода КПССнинг XXVII съезди минбаридан «Жамиятнинг маънавий соғломлиги, одамлар яшайдиган маънавий муҳит кўп жи-

ҳатдан адабиёт ва санъатнинг аҳволи билан белгиланади», деган гапларнинг айтилиши бежиз эмас. Демак, қайта қуриш жараёнида кундан-кунга ошкора кўзга ташланиб бораётган турмуш ва одамлар характерида илдиз отган иллатларни ҳикоянависларимиз томонидан қаламга олинаётгани, бу масалаларни бадиий тадқиқ этишга интилиш кучаяётгани ана шу жиҳатнинг натижасидир.

Ўлмас Умарбековнинг «Ойнинг олтин ўроғи» ҳикоясида бу кунда фош этилган ва кескин қораланаётган иллат—юлғичлик, порахўрлик, давлат ва халқ мулкини ўзлаштириш каби ярамас одатлар қораланади. Ҳикояда Иродахон исмли аёлнинг тақдири воқеалар марказида туради. Дастлаб экспозицияда бошқа персонаж — профессор Санобар Камолова образи биринчи планда тургандек бўлади. Кейинчалик эса воқеалар оқимида аста-секин Иродахоннинг қиёфаси кўринади ва орадан кўп ўтмай у асосий қаҳрамонга айланади.

Иродахон—бир пайтлар эрининг гапига кириб аспирантурани ташлаган, врачлик касбидан ҳам воз кечиб, ўз ихтиёри билан «уй бекаси»га айланган аёл. У умр йўлдоши Норбойнинг ножўя ишларини била туриб, вақтида бу иллатнинг олдини олишга ҳаракат қилмайди. Ҳаром йўллар билан келаётган бойликка, дабдабаларга ўрганиб қолади. Эрининг катта бошлиқлардан бўлган Сотимхонга сиғинишлари, ҳар хил сирли пакетларнинг қаерлардандир келиб, қаерларгадир кетишлари унинг учун одатдаги ҳолга айланади. Бу «сиғиниш» шу даражага етиб борадики, ҳатто Сотимхон бир гал Иродахонга шилқимлик қилганда, буни эшитган Норбой, ғазабланиш ўрнига «шарти кетиб, парти қолган чол-ку бу одам», деб қўя қолади. Кейинчалик бу ҳақда эр ҳам, хотин ҳам ўйлаб, изтироб чекиб ўтиришмайди. Албатта, бу билан ёзувчи юлғичлик психологиясининг ўзига хос қирраларини таъкидламоқчи, бир маънавий тубанлик иккинчи маънавий тубанликка йўл очади, демоқчи бўлади. Лекин бу ўринда муаммо, назаримча, схематик, бир томонлама ҳал қилингандек туюлади.

Турган гапки, юлғичлик, ўғирлик психологиясининг ҳам ўз «фалсафаси», уни ўзича «оқлайдиган», амал қиладиган «асослари» бўлади. Бундай юриш-туришларини Норбой ҳам ўзича оқлашга ҳаракат қи-

лади. «Агар бирор ножўя иш қилган бўлсам, ишон, аввало сени деб қилдим, кейин болаларни деб. Мендан кейин ҳам, ҳеч нарсага зор бўлманглар, деб жонимни жабборга бердим, ишладим», дейди у хотинига. Ҳар ҳолда унинг бу хавотир тўла гаплари бежиз эмаслиги маълум бўлиб қолади. Сотимхон акаси қамалганидан сўнг орадан кўп ўтмай бу ҳам тинтув қилинади. «Искович ит ҳам тополмайди», деб яшириб қўйилган нарсалар—пуллар, тиллалар, бирин-кетин топилаётганини кўрган Норбой ўзини сўйиб қўяди. Охир-оқибат «бола-чақани деб» қилинган ишлар шундай натижа билан тугайди.

Ҳикояда кейинги пайтларда анча тарқалган иллат бир оила тақдири мисолида кўрсатилар экан, баъзи асарлардагидек ёзувчи қаҳрамонларнинг жавобгарликка тортилишини, қамалишини бериб ўтирмайди, балки бундан кўра оғирроқ жазо—маънавий жазога уларни рўпара қилади. Аввало фарзандлар отанинг ишларига норозичилик билдиришади, унинг кучи билан кирган ўқишларини ташлаб армияга кетишга қарор қилишади. Иродахон ҳам алам ва изтироб, афсус ва надомат ичида қолади. Ҳикояда Санобар Камоловага биринчи дуч келгандан тортиб, сўнгги дақиқаларгача, бу аёлнинг чуқур бир ички дард, руҳий азобда тўлғанаётганини сезиб турамиз. Унинг гап-сўзларидан ўзининг ўтган ҳаётидан жирканиш, уни соҳ нафрат, соҳ гуноҳкорлик туйғулари билан эслаш оҳанги англашиб туради. Мана шу жиҳат, ҳодисанинг моҳиятини инсон қалби, кечинмалари орқали очиб бериш, персонаж маънавий портретини унинг руҳий драмасидан келиб чиқиб яратишга интилиш мазкур ҳикоянинг бадиийлик даражасини белгилаб туради. Тўғри, ҳикоянинг баъзи ўринларида Иродахоннинг ҳаракатлари бачканалашиб, мантиқдан анча узоқлашгандек ҳам таассурот қолдиради. Масалан, Иродахон тинтувдан қолиб кетган тақинчоқларининг ярмини тақиб, ярмини сумкасига жойлаб қилган «саргузашт»ларига ишониш қийин.

Ҳозирги ўзгаришлар руҳини иллюстратив тарзда эмас, балки психологик планда беришга интилиш Асад Дилмуродовнинг «Ҳарорат» ҳикоясида ҳам сезилади. Ҳикоя қаҳрамони Давлат мироб — фавқулоддда шахс эмас. У бор-йўғи колхозда оддий бригадир. Ёзувчи унинг ҳаётига, турмиш-ташвишларига, ўй-фикрини

CamScanner

банд қилган катта-кичик муаммолар ичига бизни чуқурроқ олиб кирган сари, назаримизда, қаҳрамоннинг салобати ошиб, мавқеи баландлашиб бораётгандек туюлади. Хўш, оддий бир кишини китобхон назарида бунчалик кўтараётган сифатлар нима? Бу—ҳалоллик, тўғрилик, ҳар қандай ҳолатда ҳам имонга хиёнат қилмаслик. Эҳтимол, бошқа пайтларда қаҳрамондаги бу фазилатларга унчалик эътибор бермаслигимиз, ёзувчи уларни нимага бунчалик таъкидлаётганини ўйлаб ўтирмаслигимиз ҳам мумкин эди. Лекин ҳозирги шароит, кейинги пайтларда маълум бўлган кўплаб фактлар одамлардаги бундай сифатларга алоҳида эътибор билан қарашга даъват этади. «Ҳарорат» ҳикоясининг қаҳрамони Давлат мироб ана шундай одамлардан бири. Юқорида айтилганидек, у бригадир. Ҳосилнинг бу йил чўғи паст. План масаласи имиллаяпти. Бунинг, албатта, бригадирга боғлиқ бўлмаган сабаблари ҳам бор. Фақат колхоз раҳбарларигина буни юзига солса, майлига эди. Одамлар, ҳамқишлоқлари ўртасида ҳар хил «юмалатма гаплар» ҳам пайдо бўла бошлайди. Ўз ёғига ўзи қовурилиб юрган пайтида жондек ўғли бир суҳбатда «Исо ака тўлдирибди», деб аламини оширади, бу ҳам етмагандек, «Қаттамингга бир бало бўлди» деб, отасига қишлоқнинг обрўйини туширяпсиз, дегандек гап қилади. Шу тариқа у ноилож аҳволда қолади. Бир томондан раҳбарлар сиқувга олади, иккинчи томондан одамлар ўртасидаги ҳар хил гапсўзлар, бунинг устига ўғлининг таъналари... Ҳикояда қаҳрамон характери мана шундай руҳий-психологик тўлқинлар жараёнида очила боради. Ёзувчи қаҳрамон руҳий ҳолати ифодасини мураккаблаштира бориб, ҳикоя поэтикасига шартли-мажозий образ — Давлат миробнинг марҳум хотини Мушарраф образини киритади. Қаҳрамон атрофидаги туман қуюқлашган сари бу образ ўзгача маъно касб этиб бораётгандек туюлади. У гўё—ҳалолликнинг, покликнинг, рамзи. Тушларида намоён бўлаётган Мушарафнинг қиёфаси Давлат миробни бўлажак нохушликлардан огоҳлантираётгандек, имонга зид иш қилмасликка чақираётгандек таассурот қолдиради. Менимча, бу усул ҳикояда кутилган бадиий натижасини берган, қаҳрамон характери талқинидаги драматик

оҳангининг кучайишига таъсир кўрсатган дейиш мумкин.

Хуллас, ёзувчи турли воситаларни ишга солган ҳолда қаҳрамонни ҳал қилувчи чизиққа—имондан кечиб, кўзбўямачилик қиладиган ва ўзини жиноятга бошлаётган кучларга қарши кураш чизиғига рўпара қилади. Мана шу чизиқда ундаги мавжуд бўлган инсоний сифатлар юзага чиқади, ҳал қилувчи пайт у ўзининг «Рўзғоринг гардсиз бўлса!..» деган принципига содиқ қолади. Муҳими, китобхон бу «гардсиз»ликка эришиш осон эмаслигини, унинг учун Давлат миробга ўхшаб ҳаётнинг ҳар хил тўлқинларига дош бериш лозимлигини ҳис қилади. Ҳикоядан келиб чиқадиган ибрат ҳам, шубҳасиз, шу хулосага мужассамлашади.

Яна қатор ҳикоялар борки, уларда ҳам ҳозирги кунниг муаммоларига муносабат билдиришга, шу йўсинда турли тоифага мансуб кишилар характерини чизишга ҳаракат қилинади. Бу ўринда У. Назаровнинг «Шартлар», С. Ражабовнинг «Ўзингни тут, Раҳматқул!», А. Мамарасуловнинг «Жарима», У. Содиқовнинг «Отахонлар» каби талай ҳикояларини келтириш мумкин. У. Содиқовнинг «Отахонлар»и икки ҳикоядан тузилган. Ҳар иккала асардаги бош персонажлар ёши бир жойга бориб қолган қария, отахонлардир. «Биринчи ҳикоя»даги Мирзахол тоға — кекса ўқитувчи, вақтида хизматлари сингган одам. Уни гоҳида мактабда бўладиган тантаналарда йўқлаб туришади. Лекин у фақат минбардан баландпарвоз гапларни айтаётганда қадрли. Тантаналар тугагач унинг билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди, олдин қандай бўлса, яна шу ҳолига ташлаб қўйилади. «Иккинчи ҳикоя»даги Иброҳим ота эса пахта топшириштдаги кўрсаткичлар бирдан кўтарилиб кетганидан ҳайрону лол бўлиб юради. Бундоқ қараганда ҳар иккала ҳикоядаги қаламга олинган мавзу актуал—биринчисида тантаналар кетидан қувиб, инсоннинг ўзи унутилиб қўйилгани танқид қилинса, иккинчисида эса пахтачилик соҳасидаги қаллобликларга ишора бор. Лекин ана шу муҳим масалалар моҳияти ички мантиқ асосида ривожлантира борилиб, очиб берилмайди. Қаҳрамонларнинг характерлари, гап-сўзлари баъзан ўзаро зид келиб қолса, гоҳида эса бири боғдан, бири тоғдан бўлиб қолади.

Тасвирдаги бундай нўноқлик ўз навбатида ҳар қандай муҳим гапни ҳам аҳамиятсиз, сийқа бир нарсага айлантириб юбориш мумкинлигини кўрсатади.

Агар тасвирдаги мантиқсизлик ҳали ёш ёки ёзувчилик тажрибаси камроқ қалам эгаларида учраса, буни қайсидир даражада тушуниш мумкиндир. Лекин бундай ҳол таниқли ёзувчиларимиз асарларида ҳам учрашига нима дейиш керак? Масалан, кейинги йилларда Мақсуд Қориевнинг газета ва журналларда бир неча ҳикоялари эълон қилинди. Улардан айримлари биз тўхталаётган масала — кишилар характерини ҳозирги ўзгаришлар, бурилишлар фонида кўрсатишга бағишланган. «Имтиҳон» ҳикоясининг қаҳрамони абитуриент Ботирбек математика фанидан буладиган ёзма имтиҳонга келганда институтга кириш ниятидан негадир айниб қолади. Унга ёрдам бераётган профессор Умар Валиев «икки» қўйилган ишни қайтадан ёздираман деб ҳарчанд уринмасин, Ботирбекни бунга кўндиролмайди. Шундай бўлгач, табиийки, биз ёш йигит характерида рўй берган кескин ўзгариш сабабларини ахтариб қоламиз. Лекин ишонтирадиган тузукроқ гап топа олмаймиз. Маълум бўлишича, у институтга қатнаб юрганда ўқишга киришига ва билимига қатъий ишонган бир қашқадарёлик қиз гапини эшитган. Шунингдек, бирга имтиҳон топшираётган шаҳарлик Зокир исмли йигит билан бир-икки гаплашиб, танишган. (Ҳикояда уни ҳеч иккиланмасдан Ботирбекнинг «дўсти» дейилади). Йигит бу даражада тез ўз хатосини англаб етишига, ҳақиқатни тушунишга туртки берган бор-йўқ сабаб шу, холос. Тўғри, йигит характерида психологик ўзгариш ва бурилиш ҳолатлари борлигини инкор этмаймиз. Лекин айни чоқда, ҳикояда тасвирлангандек, бу шунчалик тез ва примитив тарзда содир бўлишига ишониш қийин. Бу ишни кўрсатадики, ҳикояда қаҳрамон характеридаги ўзгаришларни кўрсатишда психологик асос заиф. Психологизм заиф жойда эса тасвирда ўзўзидан мантиқсизлик келиб чиқади.

Ёзувчи М. Ҳазратқулов эса «Синов» ҳикоясида ҳаётдаги негатив иллат—таъмагирлик психологияси ва унга қарши инсоний туйғу шаклланишини анча ишончли кўрсатиб берган, дейиш мумкин. Таъмагирлик ва ундан келиб чиқадиган порахўрлик касалига мубтало бўлган институт ўқитувчиси Бегимов бор-йўғи

ҳикоянинг бир жойида кўринади, холос. Мана шунинг ўзидаёқ автор бундай одамларга хос жиҳатларни беришга муваффақ бўлган. Унинг имтиҳон топшириш учун келган студент Мурод билан муомиласида, гапни ўз мақсади томон айлантиришларида бу домла анча устомон, ўз ишининг бутун механизмини яхши ўзлаштириб олган бир шахс эканлигини сезиш қийин эмас. Бегимовнинг гапириш оҳанглари ҳам шунчалик майин, шунчалик мулойимки, дабдурустдан бундай оҳангда гапираётган одамга кескинроқ бир нарса дейиш, норозилик билдириш ҳам осон эмас. Аниқроғи, ноқулай ҳам. Мурод ҳам худди шундай аҳволга тушади. У тайёрланиб, домланинг олдига борганда билетдаги саволларга эмас, балки бутунлай бошқа сўроғу суриштиришларга жавоб беришга тўғри келади. Домла ўзига керакли маълумотни олиб бўлгач, «...сиздан илтимос, ҳозир бозорга тушинг-да, икки кило қўй гўшти, икки кило мол гўшти олинг. Фақат шошилмай кўриб, яхшисидан олинг. Хўпми, бўлмаса бозордагилар эски гўштними, суяклисинними шартта қоғозга ўраб юбориши мумкин. Жуда пихини ёриб, тулки бўлиб кетишган», деб очиқ мақсадга ўтади. Ўзича бу ишини оқлашга ҳаракат қилиб, «Эртага янгангизнинг бир знёфати бор экан. Биласиз, менинг ишим бошимдан ошиб ётибди. Бозорўчар қилишга ҳам вақт йўқ», деб узрли сабаблар айтгандек ҳам бўлади. Бундай усталик билан қилинган мунофиқлик, таъмагирлик олдида ёш, ҳали ҳаётнинг баланд-пастини кўрмаган студент довдираб, ўзини йўқотиб қўяди, бундай муомилага қарши ўзидаги ички муносабатини билдирадиган тузукроқ гап ҳам айтолмай қолади. Фақат у «бутун куч-қувватини йиғиб базўр: «—Имтиҳон-чи?»—дея сўрашга журъат қилади, холос. Устаси фаранг домла студентдаги бундай ҳолатдан фойдаланиб, яна уни аврашни давом эттиради: «Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Эртага тўртинчи курслардан имтиҳон оламан, келсангиз хоҳлаган баҳонгизни қўйиб бераман», дейди. Айни чоқда у ўз мақсадини тағин мустаҳкамроқ қилиб, «Фақат гўштнинг тузукроғидан олинг, хўпми. Келишдик-а?»—деб қайта-қайта тайинлаб қўйишни ҳам унутмайди. Мурод домланинг олдидан чиққандан сўнг бу гапсўзлар тагига ета бошлайди. «Қани, зачётканги кўрсат...» деган курсдошлари орасидан индамай ўтиб, орқадан «Йиқилган!»—деган сўзни эшитгач, сал ўзи-

CamScanner

га келгандек бўлади. «Йиқилдимми? Мен имтиҳон топширолмадимми? Бу гапни қайси бир одамга тушунтириб чиқиш мумкин? Умуман, шуни бировга айтиш шартми? Энамга нима дейман? Эртага кетмоқчи эдим-ку. Қандай кетаман энди?»—қабилидаги саволлар кетма-кет хаёлидан ўтади. Кейинги эпизодлар — Муроддаги ички тўлғониш, изтироб чекишлар, бу безовталикнинг онага ҳам ўтиши айниқса ишонарли, табиий чиққан. Айниқса, онанинг олдинига: «Ҳа, нафсига ўт тўшсин», дея домлани қарғаши, сўнгра ўғлининг аҳволидан хавотир олиб: «Ке, қўй, болам, шунгаям хафа бўлиб юрма, айтганини олиб бор. Яна ўчакишиб қолмасин. Боши-кўзингдан садқаи сар. Пенсиямни олиб келганман. Йўл кирамизга қолса, бас!»—деган гаплари жуда кор қилади. Онасининг ўзи туфайли чеккан азоблари—болаликдаги инжиқликлари, кўп касал бўлиши натижасида унга келтирган ташвиш ва заҳматлари бирма-бир кўз олдидан ўтади. Бу хаёллар оқими уни: «Шу азоблар каммиди энамга? Энди ўн тўққизга кирганимда пенсия пулини олиб домлага бераманми? Йўқ, бундай қилолмайман! Институтда ўқимасам ўқимайман, аммо бу ишга қўл урмайман!»—деган табиий бир тўхтамга олиб келади. Муҳими, «Синов»да қаҳрамон ҳаётда дуч келадиган иллат ҳам, унга акс садо тарзида Муродда ҳосил бўлган ички қўзғалиш ва шундан келиб чиқадиган маънавий-психологик натижа ҳам ўқувчига яхши англашилиб туради.

Бу билан М. Ҳазратқуловнинг мазкур ҳикоясини тамомила етук асар демоқчи эмасмиз. Агар юқорида таъкидланган фазилатлар қаторига яна бошқалари—персонажлар тилини китобийликдан кўра табиийроқ шаклда, жонли нутққа хос тарзда бериш каби жиҳатлар ҳам қўшилганда асар бундан кўра ҳам яхшироқ чиққан бўларди.

«Ойнинг олтин ўроғи» ва «Имтиҳон» ҳикояларида ўғирлик, юлғичлик эвазига келган мол-дунё, бойлик ҳақида гап бор. Биринчи ҳикояда бу асосий линия сифатида берилса, иккинчидан йўл-йўлакай эслатилади. Лекин уларга хос бўлган бир умумий ҳолатни сезмаслик мумкин эмас: ҳар иккала ҳикояда ҳам тилга олинаётган иллатни фош этувчи энг асосий деталь шоҳона ҳовли-жой ва, албатта, «Волга» машинаси сўнгги йиллар адабиётимизда «сайёр детал»-

га айланиб қолганини гапириб ўтирмайлик. Наҳотки, ёзувчиларимизга бу иллатни очиб берадиган бошқа воситалар топилмаётган бўлса? Кейинги бир-икки йил давомида маълум бўлаётган, очилаётган ишлар олдида юқоридаги гаплар урвоқ ҳам бўлмай қолди-ку! Давлат уйида яшаб, хизмат машинасида юриб ҳам миллионлаб пулларни ўмарадиганлар бўлиши мумкин экан-ку! Назаримча, бу ерда гап ёзувчининг муайян ҳодисага нисбатан муносабатида, унга яқинлашиш даражасида бўлса керак. Биз айтган «сайёр деталда ҳодисанинг ўзи, чиқиш сабаблари эмас, балки натижаси берилган холос. Бундай усул, турган гапки, тасвирда схематизмни, сийқаликни келтириб чиқаради. Ёзувчиларимиз бу хил нуқсонлардан қанча тез қутулсалар, шунча яхши бўлади.